

Ҳ.Р.АДИЗОВА, Г.С.МУРАТОВА

БИРИНЧИ ЁРДАМ КҮРСАТИШ

Бухоро – 2 0 1 8

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳ.Р.АДИЗОВА, Г.С.МУРАТОВА

БИРИНЧИ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Б у х о р о – 2 0 1 8

КИРИШ

Юрак ва нафас олиш фаолияти тўхтаб қолса, масалан одамни электр токи урганда, сувга чўкканида нафас олиши, юрак фаолияти бирдан тўхташи мумкин. Сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита уқалаш, яъни массаж қилишга барвақт киришилса одам ҳаёти асраб қолинади.

Сунъий нафас олдиришда ўпкага ҳаво юбориш учун “офиздан-офизга” ёки “офиздан- бурунга” усуллари билан сунъий нафас олдиришга киришилади.

Сунъий нафас олдиришга киришишдан авал шикастланган одамни текис жойга чалқанча ётқизиб, имкони борича боши орқага эгилади, шунда нафас йўллари кенг ва равон очилади. Шикастланган одамнинг жағи қисилиб қолган бўлса, унинг пастки жағини олдинга тортиб, энгагини босиши, оғзини очиш, сочиқ ёки дастрўмол билан лаби ва оғиз бўшлиғидаги сўлак ҳамда қусуқ массаларидан тозалаш зарур. Сўнгра шикастланган одамнинг очик турган оғизга бир қават салфетка ёки дастрўмол кўйиб, бурнини қисиши, чуқур нафас олиб, лаблари жуфтлаштирган ҳолда ёки маҳсус найча, ҳаво ўтказгич ёрдамида куч билан ичкарига ҳаво пуфланади. “Офиздан бурунга” усули қўлланганда эса оғзини беркитиб, бурунга салфетка ёки дастрўмол ташлаб, куч билан пуфлаш жоиз.

Шикастланган одамни қаттиқроқ жойга чолқанча ётқизиб, юрагини массаж қилишга киришиш керак. Ёрдам берувчи унинг чап томонига ўтиб, усма-уст қўйилган кафтларини шикастланган одам тўш суюгининг пастки учидан бир қисмига кўяди. Кейин бир маромда дадил ва шахдам харакатлар билан тўш суюгига ҳар дақиқада 50-60 марта босиб туради. Ушбу ҳолатда кўкрак қафасининг олдинги девори энг камида 3-4 см ичкарига тушиб- чиқиб туриши зарур. Бундай шароитда қўллар бир оз бўшайди, кўкрак қафаси ёзилади. Ҳар сафар кафт билан тўш суюги соҳаси босилганида юрак устига тушган босим таъсирида унинг ичидағи қон томирларган тарқалади, кафтлар кўтарилигач, босим тўхтатилганда эса, ён атрофдаги вена томирларидан қон юрак томон силжиб, сўраб олинади.

Қон оқишини вақтинча тұхтатиша эса қоннинг артерия, вена ёки капилярлардан оқаётганига қараб, биринчи тиббий ёрдам күрсатиша қон оқиши вақтинча, ёхуд узил-кесил тұхтатилади.

Артериядан тарқарига отилиб чиқаётган қонни вақтинча тұхтатиш учун резина жгут ёки бурама солиш, құл ёки оёқни имкони борича қаттиқроқ букилған ҳолатда боғлаш, артериянинг шикастланган жойидан бироз юқори қисмини бармоклар билан босиш мақсадға мувофиқдір.

Бош шикастланганда бош мия лат ейиши, чайқалиши мумкин. Бу ҳолатда одам эс-хүшини йүқотмайды, боши оғриб, күгил айниб, баъзан қусади. Күнгили бехузур бўлиши мумкин.

Бош мия қаттиқ чайқалганда одам ҳушидан кетади, боши айланиб, қаттиқ оғрийди, қўнгли айнаб, кетма-кет қусади. Бундай ҳолларда шикастланган одамнинг бошига совуқ нарса босиш керак.

Бошга қаттиқ зарб текканда одам ҳушини йўқотиши, боши айланиб гапириб билмай қолиши, шунингдек қулоғи оғир бўлиб, кўз олди хиралашуви, хотираси йўқотилиши ёки сусайиши мумкин. Бундай оғир ҳолатдаги шикастланганини имкони борича тезроқ текис жойга ётқизиб, “тез ёрдам” чақириш зарур.

ЙЎЛ –ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ НАТИЖАСИДА ЖАРОҲАТЛАНГАН ШАХСГА БИРИНЧИ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Қон кетишда биринчи ёрдам кўрсатиш

Инсон организми ҳар гал жароҳатлар олиш натижасида факат 500 мл қон йўқотишига ҳаёт учун хавфсиз ҳисобланади.

Агар киши 1000 миллилитр қон йўқотса, ҳаёт учун хавф туғилади. Ундан кўп қон йўқотилган тақдирда эса жабрланувчини ўлимга олиб келадиган хавф туғилади.

Агар жабрланувчи 2000 мл қон йўқотса, унинг ҳаётини сақлаб қолиши учун дархол қон бериб, организмни керакли қони билан таъминлаш зарур.

Агар жараҳат артериал, йирик қон томирида бўлса, киши бир неча дақиқадан кейин ўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай қон кетишини дархол тўхтатиш керак.

Ёш болалар, кекса, 70-75 ёшдаги кишилар камроқ қон йўқотсалар ҳам, улар учун бу хавфли ҳисобланади. Инсон ҳаёти учун энг хавфли бўлган ҳодиса, бу артериал қон кетиши. Унда қоннинг ранги оч-қизил бўлиб. Катта босим билан отилиб чиқади.

Вена қони томири жараоҳатланганда эса қоннинг ранги тўқ қизил бўлиб, секин ва доимо бир текисда оқиб туради. Шунинг учун хавфлиги нисбатан кам ва бўйин, кўкрак қафаси атрофидаги жароҳатлар унча хавф туғдирмайди. Лекин бошқа хилда-қон кўпириб. Баъзан томир ичига ҳаво кириб қолиши. Қон томирларида тиқилиш пайдо бўлиб, жабрланувчининг ўлимига олиб келиши мумкин.

Капиляр қон оқиши- бу асосан майдада тўқималарнинг кесилиши, унча чукур бўлмаган ва маълум кенглиқдаги жароҳатлар натижасида пайдо бўлади. Унда қоннинг ранги оч-қизил, кесилган жойнинг ҳаммасидан бир хил оқади.

Паренхиматоз қон оқиши- бу асосан ички органларнинг жароҳатланиши. Ўпка, жигар, буйрак каби органларда жароҳатланганда қон

аралаш , артериал ва вена қон томирларидағи қонлар ҳисобланади. Бунда қон кетиши анча тез ва доимий бўлиб, ҳамма жароҳатланган жойлардан оқади. Қон оқиши ва ички теридаги жароҳат ва табиий бўлган тешикчалар бош мия қобиғи, кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи ёки бошқа органларга бўлинади.

Ички қон оқиши- албатта, тез ва эҳтиёткорлик билан ёрдам кўрсатилган бўлади.


Ташқи қон оқишида- биришчи ёрлам кўрсатиш, асосан ташқи жароҳат натижасида рўй берган ҳолларда, маҳсус дока (бинт) билан боғлаш, агар жароҳат жиддий бўлса, унга жгут қўйиш йўли билан ёрдам кўрсатилади.

Агар қон оқиши анча кўп отилиб чиқаётган бўлса, у ҳолда тезлик билан қон тўхтатувчи алоҳида жгут қўйиб, қон кетиши тўхтатилади. Қон кетишини тўхтатишнинг яна бир усули қон томирини бармоғимиз ёрдамида босиб туришдир.


Агар томир суяқ атрофида жойлашган бўлса, уни суякка қадаб, бармоқ билан сиқилса, жуда яхши фойда беради, қон дарҳол тўхтайди.

Агар қон кетиши ҳаёт учун хавфли. Жгут ишлатиб бўлмаса, у ҳолда жароҳат устига маҳсус стерилланган салфетка ёпиб, кейин бармоқ билан босилади. Бармоқ билан босиша жароҳат устидан эмас. Ёнидан, юқорисидан ёки пастдан босилади.

Жароҳат артериал қон томирида бўлса, қон оқаётган жой тепа қисмидан. Вена қон томиридан келаётган булса, жароҳатнинг пастки қисмидан бармоқ билан босилади. Шунинг учун одам организмидан магистрал-артериал томирлар жойлашини билиш керак. Киши танасининг юқори қисмида жойлашган артериал қон томирларидан қон кетганда уни тўхтатиш учун юқори артериал томирларни бармоқ билан босилиш керак (1-расм).



Агар бош, бет ва тил атрофидан қон кетса, уни тўхтатиш учун артериал қон томирини босиш керак. Жароҳат натижасида киши танасининг пастки қисмида жойлашган қон томирларидан қон кетганда, уни тўхтатиш учуноёқни қаттиқ букиб, жгут билан боғлаш керак.



2-расм

Қон тўхтатишга мўлжалланган жгутни қўйиш қоидаси:


1. Катта артериал қон томир жароҳатланганда .
2. Артериал қон томирининг юқори қисми охиридан қон кетса, эгут елканинг юқори учинчи қисмидан боғланади; артериал қон томирининг пастки қисмидан қон кетса, жгут соннинг ўрта қисмига қўйилади.

Жгут жароҳатнинг кўтарилиган қисмининг охирига таг томонидан олиб келиб қўйилади. Уни куч билан қаттиқ сиқиб (агар резинадан бўлса), тагига юмшоқ мато (бинт, рўмолча, картон қоғоз) қўйиб, кейин бир неча маротоба

айлантириб (қон тұхтагунча), ҳар бир ўрамни ёнма –ён ва қаттиқ қилиб, учлари маҳкамланади. Уни айлантириб ўрашда орасига тери қатланиб, тушиб қолмаслигини әхтиёт бўлиш керак. Жгут учини маҳкамлашда маҳсус қисқичлардан фойдаланиш мумкин.

2. Жгут қон кетишига қараб, етарли даражада қаттиқ қисилиши керак. Аммо бунда шуни эътиборга олиш керак, жуда ҳам қаттиқ сиқилиб кетмаслиги керак, акс ҳолда терини эзиб, бошқа ёмон аҳволга олиб келиши мумкин. Шунинг учун жгут тагидан албатта, бир варақ қогоз (картон) қўйиш. Шунинг билан бирга жгут қўйилган вақтни ёзиш керак (3 – расм).

Агар қон кетиши ҳаёт учун хавфли бўлса, тирсакни жгут билан маҳкам қисиб боғлаш орқали ёрдам кўрсатилади. Агар қон кетиши оёқнинг тизза қисмида бўлса, унда оёқнинг тизза қисмини бугиб жгут билан маҳкам боғланади.



3 – расм

Агар жароҳатланган шахс кўп қон йўқотса, лекин қон қаердан кетаётгани аниқ бўлмаса, уни дарҳол тиббёт ходимларига келтириш керак. Кишининг бурнидан қон кетганда, уни бошини орқа томонига эгиб ўтказиб ёки ётқизиб қуйилади ва совуқ сувна ҳўлланган озгина пахта ёки сочиқ (дока) бурун атрофига ва пешонага теккизиб турилади. Бундай шароитда киши аксириши ёки бурун орқали нафас олиши мумкин эмас. (4 – расм).



4—расм

Киши тиши гикастланиб, бурнидан қон кетишида, стерилланган пахтадан тампон тайёрлаб қон кетаётган жойга қўйилади ва у жағни маҳкам қисиб ётиши ёки ўтириши керак.

Қулоқ бўшлигидан кон кетганда тампон қўйиш мумкин эмас, шунинг учун дарҳол тез ёрдам чақириш зарур, чунки бу ҳолларда бош мияда жароҳат бўлиши мумкин. Бу эса жабрланувчининг ҳаётига жиддий хавф туғдиради. Агар қулоқнинг ташки эйларида жароҳат бўлса, унга спиртли бинт ёки йод суреб тозалаш лозим.

Ўпкадан қон кетган ҳолларда одам асосан қаттиқ йўталади, бундай ҳоллардан кишининг қўкрагига совуқ сувга ҳўлланган сочиқ, иложи бўлса муз парчасини қўйиб, қиялатиб ўтказиб қўйиш керак.

Қон қусиши ошқозон яллиғланиши, ўпка хасталиги, жигар эзилишидан бўлиши мумкин. Бундай вақтларда кишининг қорнига совуқ сувга ҳўлланган сочиқ ёки муз парчасини қўйиб. Қорни билан ётқизиб қўйиб, тез ёрдам чақириш керак.

ТЎСАТДАН ЮРАК ТЎХТАБ ҚОЛГАНДА БИРИНЧИ ЁРДАМ

Бундай ҳолларда асосан юрак тўхташининг асосий сабабларини билиш керак. Улар беш хил:

1. Томир уришининг сезилмаслиги, эс-хуш йўқлиги, кўз гавҳари кенгайиши, чироқ тутганда сезилмаслиги ва нафас олиш тўхташи, шунингдек юзнинг кўкимтири бўлиши юрак тўхтаб қолган ҳолни билдиради.

Энди ана шу ҳолларни қисқача шарҳлаб ўтамиш:

– Артериал қон томиридан юрак уриши билинмаслиги. Бу асосан бўйин қисмидаги томирни кўрсаткич ёки ўрта бармоқ билан ушлаш натижасида аниқланади.

Хушдан кетиш – юрак уриши тўхиагандан кейин 4–5 сония ўтгач, киши ҳушидан кетиб, ҳар қандай ҳаракатни йўқотади. Товушни эшитмайди.

Агар кўз гавҳари кенгайиб ёруғликни сезмаса, ўпка ва юрак фаолияти тўхтаганидан дарак беради.

Нафас олиши тўхташи, юз сариқ кулранг бўлиб, томир уриши сезилмай қолиши қон айланиши бузилганидан далолатдир.

Нафас йўлларини тиклаш ва юракни ишлатиш учун қўйидаги чораларни амалга ошириш керак:

A– нафас йўллари (бурун, оғиз бўшликлари) ни ивиган қон ва балғамдан тозалаш;


B– икки усулда сунъий нафас олдиришни бошлаш– “оғиздан оғизга”, “оғиздан –бурунга”.

C– қон айланиш тизимини йўлга қўйиш юракни массаж қилиш орқали амалга оширилади.

Жароҳатланган шахсни клиник ўлимдан қайтариш учун барча ёрдам ҳаракатлари йўлларини очишдан бошланади.

1. Кишини текис жойга чалқанча ётқизилади ва оғиздаги кўпик, ивиган қон бинт ўралган бармоқ билан тозалаб ювилади.

2. Кишининг елкаси тагига юпқа ёстиқ қўйилади, кейин ёрдам берувчи шахс бир қўли билан унинг бўйини орқа томонидан, иккинчи қўли билан эса бошининг тепа қисмидан ушлаб, бориши орқа томонга эгади. Унинг тили орқага кетиб, томоқ халқумни ёпиб қўймаслиги учун бир оз олдинга тортилади ва кузатиб турилади.



6-расм

3. Кишининг оғзига 2 қават бинт тутилади. Ёрдам берувчи унинг ён томонида ўтириб, бир қўлини унинг бўйини орқа томонидан ўтқазиб, иккинчи қўли билан унинг бурнини қисади. Ўзи чуқур нафас олиб, лабини унинг лабига қўйиб, бинт орқали оғзига бор кучи билан пуфлайди. Шундан кейин киши бурнини қисиб туришдан бўшатади. Шу вақтда беморнинг кўкраги бир оз кўтариlsa, пуфланган ҳаво ўпкасига борган бўлади. Сўнгра ёрдам берувчи одам ўзи ёки ёрдам кўрсатувчи иккинчи шахс икки қўли кафтини кўкракнинг икки тмонига қўйиб босади ва ўпкасидаги ҳаво чиққандан кейин жароҳатланган киши бурнини яна қисиб, оғзини оғизга қўйиб пуфлашни такрорлайди. Пуфлаш ҳар 4- 5 сонияда такрорланади, тўғрироғи, бир дақиқада 12-15 марта пуфланади ва кўкрак босиб нафас чиқарилади. Агар кишининг юраги ишлаб кетадиган бўлса ва унинг ўзи нафас ола бошлагунча сунъий нафас олдириш давом эттирилади (6-расм).

4. Юеморнинг лаби яра ва тишлари қонаган бўлса ёки бошқа сабабларга кўра, у “оғиздан-бурунга” усулида сунъий нафас олдирилади. Бунинг учун шахснинг бурнига бинт ёки рўмолча ёпиб, ёрдам берувчи унинг бурнига пуфлайди. Бир қўли билан беморнинг пастки жағини кўтариб, унинг оғзини ёпиб туради.

Юрак –қон томир фаолиятининг бузилиши

Суяк –мушак аппаратлари ишининг ўзгаришлари юрак-қон томири тизими ишининг бузилишига ҳам олиб келади. Умум мушак тонусининг пасайиши қон циркуляцияси вамрови ва веноз қоннинг оқиб чиқиб кетишини камайтиради. Диафрагманинг ҳаракати қон оқимининг юракнинг ўнг бўлмасига қўйиладиган устки ва остки веналарга ўтишини таъминлайди. Оёклар мушакларининг қисқариши қонни веналар бўйлаб ҳайдайди ва шу йўл билан веноз қон оқиб чиқиб кетишининг функцияларига ёрдам беради. Тахтакач қўйиш ёки тўшакда ётиш зарурияти оқибатида келиб чиқадиган ҳаракатсизлик нормал қисқаришнинг йўқолишига сабаб ҳисобланади. Вена томиридан қоннинг оқиб чиқиб кетишининг бузилиши, организм сувсизланишиэлектролит баланснинг ўзгаришлари қоннинг елимшаклигининг ортиши ва тромблар пайдо бўлиши хавфини олиб келади. Веноз қон оқиб чиқиб кетишининг бузилиши туфайли айланиб юрувчи қоннинг умумий ва ўлиши миқдори камаяди. Бу ҳам ўз навбатида, қон томирларининг қисқариши ва юрак қисқаришлари маромининг кучайишига олиб келади, периферик қон таъминоти ҳам ишдан чиқа бошлайди.

Бу одамларнинг ҳаммаси, аввалида, тинчлик ва ҳаракат вақтида юрак қисқаришларининг кучи ва мароми, юракнинг уриш миқдорининг кучайишини келтириб чиқаради, оқибатда, компенсатор механизmlари фаолият кўрсатишни тўхтатганида, хавфи юзага келади.

Артериал босим устидан назорат ўрнатиш лозим. Ҳаракатсизлик муаммоларига учраган мижозлар, кўпинча гипертоник бўлибт қоладилар.

Биринчи ёрдам кўрсатувчининг вазифалари:

Бунаقا муаммолари бўлган беморлар билан иш олиб боришда биринчи ёрдам кўрсатувчи аввало, бўғимлар ҳаракти, мушаклар ва пайлар ҳаракати қанчалик даражада эканлигини текширади. Веноз қоннинг чиқиб кетишидаги ўзгаришлар, ортостатик оғирликнинг қанчалик камайганлиги, юрак фаолиятини сусайганлиги билан қизиқади.

Биринчи ёрдам берувчининг амалий ҳаракатларига қуидагилар киради.

- Беморга етарли даражада оғирлик тушиши учун уни тик турғазиш ёки машқлар ёрдамида уни қўллаб –куватлаш;
- Беморларнинг суюқлик ичишини кузатиш, bemor иложи борича кўпроқ суюқлик истеъмол қилиши лозим (бир кеча кундузда 3 л гача).бу пешобда калций ҳосил бўлишидан сақлайди.
- Оёқ йўғонлигини ўлчаб, мушаклар атрофияси бор-йўқлиги аниқлаш.
- Мушак массаси ва кучини тиклаш учун bemor билан машқлар ўтказиш.
- Бемор машқларига қаршилик қилса, нима ёқмаслигини аниқлаш;
- Шу машқларнинг муҳимлигини тушунтириш;
- Ҳаракатсиз ётган bemorни иложи борича ҳолатини ўзгартириш, уни кўпроқ ҳаракат қилишига ёрдам бериш;
- Беморнинг мустақил қиладиган ҳаракатларини рағбатлантириш.
- Беморнинг қариндош уруғларини ёрдам беришга ундаш.

Беморларнинг доимо мушаклар тонуси, қон босими ва бошқа ҳолатларини кузатиб боради. Керакли бўлган вақтда эластик бинтлар, бандажлар қўллайди. Суяклар зичлиги ўзгартганида ва пешобда буйрак конкретментлари пайдо бўлишида анаболик стероидлар яхши ёрдам беради. Булар буйрак конкретментларининг пайдо бўлиши ва кальций ажралишида уларни камайтиради.

КОЛЛАПС

Клиник жиҳатдан артериал қон босимининг ўткир пасайиши билан характерланадиган ва зудлик билан тез ҳамда кечикириб бўлмайдиган ёрдамни талаб қиладиган ҳолатлар.

Артериал қон босими ўткир пасайишининг 3 тури тафовут қилинади.

1 тури. Кардиоген гипотония- бевосита юрак касалликлари билан кечади. Ундан ташқари ўткир миокардлар ва ўпка томирлари эмболиясида ҳам юзага келиши мумкин.

2 тури. Томир коллапси – периферик қон томирларнинг кенгайиши билан характерланиб, кўпинча ўткир инфекцион касалликларда кузатилади. Ундан ташқари пневмания, сипсис қорин тифи ва бошқа касалликларда келиб чиқади.

3 тури. Геморрогик коллапс – айланиб юрувчи қон ҳажмининг камайиши билан боғлиқ. Бундай гипотониянинг сабаби кўп микдорда массив қон йўқотиш ҳисобланади.

Симптомлари. Коллапсда артериал қон босимининг турли сатҳларда тушиши билан бир қаторда (дистолик босим кўпинча 50-60 мм, сим. уст.гача тушади) беморниң ташқи кўринишида ҳам характерли ўзгаришлар кузатилади. Юз қирраларининг ўткирлашуви, рангпарлик, атрофдагиларга бефарқлик, ташқи таъсирларга реакцияларнинг йўқлиги. Артериал қон босимининг ўткир пасайиши турли коллапсга сабабчи бўлган, bemorninig асосий касалигидан келиб чиқсан ҳолда аниқлаб олинади

Терапия нуктаи назаридан юрак ва томир етишмовчилиги дифференцияси мавжуд. Юрак етишмовчилигига артериал босимининг (асосан диастолик) бундай пасайиши коллапсдагидан кўра кам ҳолатини маъкул кўришади. Юрак етишмовчилигига цианозт (кўпинча акроцианоз) бўйин веналарининг кенгайиши кузатилса томир етишмовчилигига аксинча – оқариш рангпарварлик, айрим ҳолларда диффуз цианоз, периферик веналарнинг кучайиши кузатилади. Юрак етишмовчилигига хансираш характерли – нафас тезлашган, кучайган бўлса томир етишмовчилигига қийинлашмаган лекин юза бўлади. Юрак етишмовчилигига юрак ўлчамларининг катталашганлиги ва ўпкада димланиш аламатлари ҳамда айрим ҳолларда жигарнинг катталашшуви аниқланади. Томир етишмовчилигига бу симптомлар ёки бўлмайди ёки кам ифодаланган бўлади.

КЕЧИКТИРИБ БҮЛМАЙДИГАН ЁРДАМ

Нокардиоген томир коллапсларида даволашга ҳамда томир тонусини ва артериал босимни күтаришга қаратилган симптомик даволаш олиб борилади.

Геморрогик коллапсларда қон ёки қон ўрнини босувчи суюкликлар қуйилади.

Интоксиация ҳолларида 1 л 5% глюкоза ёки изотоник натрий хлор эритмасини вена ичига томчилаб қуиши тавсия этилади.

Коллапсни даволашда мушак ичига ёки тери орасига 1 мл 1% метазон эритмаси кирилилади. Оғир ҳолатларда айниқса наркотиклар билан заҳарланганда 2–4 мл кардиаминни вена ичига секинлик билан юборилади. 1–2 мл 0,2% норадреналинни 500 мл 5% глюкоза билан вена ичига томчилаб ўтказилса эффект яхши бўлади. Ундан ташқари ўткир томир етишмовчилиги бор беморларга тери орасига 2–4 мл 20% камфора эритмаси ўтказилади.

ОСИЛГАНДА БИРИНЧИ ЁРДАМ

Осилиш – странгуляцион асфиксия – кўпинча суицидалъ ҳолатларда келиб чиқади, лекин баъзан кучли алкаголь ичган пайтда, бирданига ҳушдан кетганда бўйиннинг қаттиқ предметлари орасида сиқилганда юз беради. Болаларда ўйин пайтида келиб чиқади.

Осилиш тўлиқ бўлиши мумкин – қачонки шикастланувчининг танаси ва оёқлари орасида таянч бўлмаса, нотўлиқ – қачонки тананинг бирор бир қисми қаттиқ предметга таянади. (пол, ер мебел ва бошқалар). Бемор ҳолати струнгуляция бўлиб туришии вақтига боғлиқдир. Ҳалқа тугуни энса соҳасида жойлашганда, бўйин қисилиши тезда юз беради. Бунинг натижасида трахея ёки томок қисилиши тил ости суяги синиши билан кечиши мумкин, олдинига бўйинтуруқ веналари, кейин уйқу ва умуртқа артериялари сиқилади, бунинг натижасида асфиксия, бирданига веноз тўлақонлик, кейин эса бош мия ишимияси пайдо бўлади. Тўлиқ осилганда бўйин умуртқалари синиши ва чикиши рўй беради.

Симптомлари: беморни странгуляциядан озод қилғанда ҳаёт белгилари бўлиши мумкин ёки клиник ўлим ҳолатида бўлиши мумкин. Кўрганда бўйинда оқимтирик кулранг – кўқимтирик рангдаги странгуляцион эгат кўриниб туради. Агарда bemorларда нафас тўхташи ва юрак фаолияти тўхтамаган бўлса, хуши йўқолганда, улар жуда қўзгалган, клоник ёки тоник тутқаноқлар пайдо бўлади. Бемор юзи шишган, кўқимтирик кулранг, склерва кўз конбюгативасида кўплаб қон қуюлишлари кўринади. Ўпка шиши ривожланиши мумкин. Пульс 120–140 марта 1 да ритм бузилиши кузатилади. Нафас тезлашган, шовқинли, хирилашли, аритмик бўлади. Притерминал ва алькагол ҳолатда – брадикардия.

А\Б кўтарилиган, веналар, бўртган, беихтиёр сийдик ва ахлат ажралади. Беморни оғир ҳолатдан чиқаргандан сўнг ретрограт амнезия кузатилади, баъзан ўткир психозлар пайдо бўлади.

Шошилич ёрдам. Биринчи навбатда нафас йўллари ўтказувчанигини тиклаш. Бемор бўйини стангуляциядан озод қилиш керак. Оғиз бўшлигини шилликдан, кўпикдан тозаланади, бошни максимал даражада энса соҳасида қўйилади.

Юрак фаолияти тўхтаганда тезликда юракни билвосита массаж қилинади ва сунъий нафас: оғиздан оғизга, оғиз бурунга нафас берилади, bemor интубация қилинади.

Мускул ичиға 250 мг гидроктизон ва вена ичиға 60 мг пренозолон қилинади. Беморда агар оғир нафас бузилиши бўлмаса, лекин харакат қўзгалишлари кузатилса, вена ичиға оксибутират натрий 40–50 мг\кг ёки 2–3 мл 0,5 % седуксан қилинади.

Бемор зудлик билан реанимация бўлимига ётқизилади.

УКСУС КИСЛОТАСИ БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШ

Уксус кислотаси билан ўткир заҳарланиши ўз жонига қасд қилиш ёки тасодифан токсик таъсири бу оғиз, хиқилдоқ, қизилўнгач, ўлдирувчи миқдори 50 мл –ни ташкил этади.

Патогенези: уксус кислота билан заҳарланганда маҳаллий, кимёвий куйишин чақиради. Тўқима ҳужайралари кислота билан контект қилгандан сўнг ҳужайра менбранасини кўйдириб юборади. Ҳужаранинг суюқ қисми чиқиб гиповолемик ҳолат экзотоксик шок ҳолатига олиб келади. Заҳарни резорбцияси – қонга ўтиши, 30 дақиқа ичидаги рўй беради. Сўнгра резорбцияси тўхтайди. Қонда эритроцитлар гемолизи кузтилади.

ГЕМОЛИЗ ЖАРАЁНИ УЧ ЭТАПДА БОРАДИ

Биринчи этап. Эритроцит билан контракт бўлгандан, менбранасидан ўтиб ҳужайра ичига кириши.

Иккинчи этап. Эритроцит ички структурасини бузилиши – эритроцитдаги паст молекулали фракцияларнинг чиқиши, ҳужайра ичи муҳити гипертоник бўлиб қолади ва ичкарига сув кира бошлайди, тики ҳужайра ҳужайра қобиги ичи осмотик босими ошгунча.

Учинчи этап- ҳужайра пардасини ёрилиши. Қайтмас ўзгаришлар. Қон томир ичи гемолизи ва экзотоксик шок микроциркуляциясини бузилиши, жигарда некротик ўчоқлар ривожланишига олиб келади.

Клиникаси

Ўткир даври 1-3 сутка давом этади. Беморни оғзидан уксус ҳидини келиши, оғиз бўшлиғи ва лабда куйишнинг борлиги, қизилўнгач ва эпигастрал соҳаларда оғриқ, гиперсаливация кузтилади. Ютганда, оғиз ҳаракатлари бажарганда оғриқ кучаяди. Бемор қўплаб қайта-қайта қусади, баъзан қон аралаш кузтилади. Дисфагия ривожланади. Бемори сувсизликдан азоб чекади.

Экзотоксик куйиш шоки 37% ҳолларда bemorda кузтилади.

Психомотор күзгалиш, эс –хүшини қисман ёки түлиқ йүқолиши, оқарыб кетиш, совук тер босади. А\Б систолик босим ҳисбидан 150-160 мм сим устигача ошади. МВБ пасаяди. Тахикардия, ҳансираш қўкариш, сийдик ажралишини камайиши кузатилади. Токсик коагулопатия гемолиз кузатилади. Натижада сийдик ранги қизаради. Эркин гемоглабинни қондаги миқдори:

- Енгил гемолизда 5 г\л
- Ўрта оғир гемолизда 5-10 г\л
- Оғир гемолизда 85,5% беморларда кузатилади. ЎБЁ ривожланади.

Коптокчалар фильтрациясининг пасайиши микрогематурия, макро-гематурия, протеинурия гемоглабинурия оғир ҳолатларда ривожланади. 1-2 кунларда олигоурия кузатилади.

Токсик гепатопия – 85% беморларда учрайди. Жигарни катталлашиши, тери ва склерани сарғайиши 3-4 кунда кузатилади. Оғир ҳолатларда ферментлар (АСТ, АЛТ, ЛДГ, АЛД) активлиги ошади.

Нафас функциясини бузилиши заҳарлангандан 1-2 суткаларда кузатилади. Овоз бурмаларини кучайиши, хиррилаб овоз чиқиши – афония, йирингли трахеобронхит ривожланади.

Химиявий куйиш оқибатида

- Эрта 1-2 кунларда
- Кечки 3 кундандан сўнгги асоратлар кузатилади.

Эрта асоратларга: механик асфиксия , эрта 1-чи, 2 чи қон кетишлар.

Интоксиқацион делирий, ўткир реактив панкреатит, 1-чи кун олигурия, ёки анурия бўлиши мумкин.

Кечки асоратларга: қон кетиш, тахеобранхит, ўткир жигар –буйрак етишмовчилиги, қизилўнгач ва ошқозонни чандиқли деформацияси кузатилади.

Комплекс даволаш госпитал этапдан олдин.

1.Ошқозон–ичак трактидаги куйдирувчи модда таъсирини камайтириш учун ошқозонни 8–10 л совук сув билан зонд орқали ювиш керак.

2% – 2,0 мл премедол т\ичига

2%-2,0 мл папаверин т\ичига

0,1 % – 1,0 мл антропин т\ичига гиперсаливация ва спазм, оғриқни олдини олиш мақсадида.

Нейтролловчи модда сифатида альмоголь ёки майдаланган магнезий куқунни ишлатилади.

2. Оғриқни қолдириш учун (морфин, промедол, опнопон) 1 мл 3–4 марта кунига, м\о.

0,1%–1 мл антропин т\о

0,2% 1 мл платифиллин т\о

Глюкоза +навокаин аралашмаси (500 мл 5% глюкоза+2:50 мл навокаин эритмаси) томир ичига томчилаб.

3. метаболитик ацидоз вақтида вақтида 4% ли натрий бикарбонат 1500 мл гача вена ичига.

4. Күйиш шокини даволаш учун маҳаллий 10% –200 мл кунгабоқар ёғи эмульсия +анетезин 2,0.

Биомицин 2,0 аралашмасини ҳар бир соатда 20 мл юбориш керак

5. Юрәк қон томир ишини яхшилаш

Кордиамин – 2,0 мл т\ичига

Кофеин 10% ли – 2,0 мл т\ичига

Глюкоза – навокаин аралашмаси

6. Массив антибиотиклар күллаш пинецилини 1 млн ед 4–6 марта кунига, левомицизин 1–2 гр кунига

7. гармонотерапия

Гидрокортизон – 125 мл томир ичига , преднозолон 30–60–120 мг дан томир ичига.

8. қон кетиш кучайса– қон қүйиш.

Викасол 1% –5 мл м\о, дицинон 2 мл.дан томир ичига.

9. Ҳиқилдоқ шишида – аэрозол ингалятори.

Пинециллин 300.00 ед.

Новокаин 0,5% – 3 мл

Эфедрин 5% – 1 мл

Адреналин 0,1 % – 1,0 мл

Агар эффект бермаса – интубация, трахеосматия

10. Диета 1 а Певзнер бўйича 3–5 кун, кейин стол 5 а.

11. Бемор интенсив терапея бўлимига ётқизилади.

Жароҳатланган шахсга биринчи ёрдам курсатиш

Тери катламлари, бурун, оғиз ва ички органлар шикастланганда жароҳат деб номланади. Тана жароҳатлари бир неча турга бўлинниб, ташки, чуқур ва одамнинг ички аъзо шикастланганини билдиради.

Жароҳатланиши сабаблари. Одам кўча ҳаракати ёки йул ҳаракати қоидаларига амал қилмаганида, спор машғулотларини бажараётганда, бирбири билан қўпол равишда ҳазиллашганда, механик ускуналарни тажрибасиз ишлатаётганда ва ҳоказолар натижасида жароҳатланади.

Жароҳатлар тешилган, тимдаланганд, қирилган, тилинган, чопилган, чақилган, урилган ва ўқ теккан турларга бўлинади. Тешилган жароҳатлар игна, мих, пичноқ ва бошқа ўткир нарсалар тери қатламларини тешганда бўлади. Агар одам танаси шу ўткир нарсалар билан шикастланганда ва ички аъзоларга тегиб, уларни жароҳатлаганд, бу шахсларга тез ёрдам кўрсатиб травматология ёки жарроҳлик бўлимига олиб бориш зарурдир.

Тилинган жароҳатлар асосан бритва, пичноқ, ойна ёки шиша бўлаги, темирнинг ўткир парчаси орқали бўлади. Шикастланган жойнинг атрофлари текис қирқилган бўлиб, шу жойдан кўп қон кетиши кузатилади.

Урилган жароҳат асосан одам танаси ўткир бўлмаган предметлардан, масалан тош, болға, машиналар қисми текканда ёки юқоридан ерга қула бушганда бўлади. Бу жароҳатлар жуда оғир ва хавфли ҳисобланади, чунки тери қатламлари ва ички аъзолар қаттиқ эзилади. Бу турдаги жароҳатлар кам қонайди ва узоқ йиринглаб тузалиши қийин бўлади.

Чопилган жароҳатларда шикастланган жой ҳам тилинган ва урилган бўлади. Бунда одам тери қатламлари мускул, пайлар ва суяклар оғир шикастланади. Йиртиқ жароҳатда тери тўқималари эзилган бўлиб тери қатламлари йиртилган холда бўлади.

Ҳамма турдаги шикастланган жойларни тезда бинт ёки рўмолча билан боғлаб қўйиш керак. Қон кетаётган бўлса, биринчи навбатда уни тўхтатиши зарур ва яралangan жойни стерилланган ёки тоза бинт билан инфекция тегмаслиги учун ёпиш ва қаттиқ боғлаш керак. Агарда қон кўп кетаётган бўлса, биринчи расмда кўрсатилгандек жгут ишлатилади.

Мускул ва пайларнинг эзилиши, чўзилишида жароҳатланган жойда шиши пайдо бўлади, оғриқ сезилади. Баъзида шу жойга томирдан кон қўйилиб, кўкариб кетади. Бундай вақтларда рўмол ёки сочиқни совуқ сувда қўллаб, шикастланган жойга 5-10 дақиқа қўйиб турилади. Кейин лат еган жой қисиб боғланади ва шахс шифохонага юборилади.

Изоҳ- шикастланган жойга иссиқ буюмларни босиш, иссиқ сувга солиш, ишқалаш, эзиш кабилар мумкин эмас.

Очиқ жароҳатланган жойга қўл тегизиб, уни ичидаги ёпишиб қолган кийим парчасини, шиша синикларини олиб бўлмайди. Шифокорсиз яралangan жойни сув ёки доривор суюкликлар билан ювиш мумкин эмас.


Жабрланувчининг шикастланган жойини боғлагандан сўнг, уни ёткизиб, агар ташна бўлиб, сув ичгиси келса, сув, қаҳва ёки ширин, аччиқ чой бериш мумкин

БОШ МИЯ ШИКАСТЛАНГАНДА БИРИНЧИ ЁРДАМ КҮРСАТИШ

Хозирги вақтда умумий жароҳатлардан 40 фоизи бош мия шикастланишидир. Жароҳатланганлардан ҳар бештаси оғир бош мия жароҳати олади.

Аҳоли ичида асосан 17 дан 50 ёшгача бўлган шахслар оғир бош мия жароҳати билан шифохонага тушади. Бундай жароҳатларнинг айримлари ўлимга, бошқаларини эса ногиронликка олиб келади.

Бош мия жароҳати барча таянч, харакат функциялари билан боғлик бўлиб, мияни қайси томони шикастланса, шунга боғлик органлар ишламаслигини ёки жароҳатланишини билиш учун керак бўлади. (7-расм)




7-расм

А-пешона томони; б-олд қисмининг марказий тўқималари ;в-роланд эгати; г-орқа қисмидаги марказ тўқималари; д-марказий эгатча; е-орқа мия эгатчаси; ж-пешонанинг ён томони; з-тил қобилиятига эга марказ; и-силвия эгатчаси; к-нутқ маркази.

Бош мияниг чайқалиши - бош мия урилиб, эзилганга қараганда анча енгилрок бўлади. Бош мия чайқалганлигини асосий белгиларидан билса бўлади: Эшитиш ҳолати бир зумга тўхтайди, эс-хушини йўқотиш вазиятлари жуда кам учраб туради. Жароҳат олишдан аввалги нарсани эсламаслик ёки хотираси учиб кетган бўлади; бош оғриги, бош айланиши, кўнгил озиши, бехузур бўлиши, қулоғида шовқин овози эшитилиш, юзига қон қуйилиши, совук тер чиқиши, нафас йўлларининг сиқилиши, томир уруши ўзгариши

(тезлаб кетади ёки секинлашади). Бундай жароҳат олган шахсларнинг пешонасига ҳўл сочиқ қўйиб замбилга горизонтал ҳолатда ётқизиб шифохонага юборилади (8-расм).



8-расм

Агарда бош мия устидаги қобиқ яраланса, унда спиртли йод суюқлиги билан яраланган жой атрофини артиб, кейин бинт билан ўраб қўйиш керак.


Бош мия урилишида енгил, ўрта оғир жароҳат турлари учрайди. Бош миянинг ўрта-оғир шикастланишида миянинг оқ моддаси шикастланганлиги кўзда тутилади, оқ мода бош мия қобиғининг тагида жойлашган бўлади.

Бундай ҳолда жабрланувчи икки қунгача ҳушига келмайди. Бир қунгача ҳаяжонланиши мумкин. Кўзларининг қорачиги ёруғликка эътиборсиз. Бош мия орқа томонининг мускуллари таранглашган бўлади. Тез-тез кунгил айнайди ва тутқаноқ бўлиб туради.

Бош мия оғир жароҳатланса унда бош мия функциялари ишдан чиқиб мияга қон қуийлади ва бемор коматоз ҳолда икки кундан икки ҳафтагача ҳушсиз ётади.

Бош мия функциялари нотўғри ишлашидан нафас олиш ютиниш, юрак уриши бузилиб туради, мускуллар бўшашиб кетади, тил орқа томонга кетиб қолиши мумкин. Жароҳатланган шахсни ёқаси тугмасини ечиб, камарини бўшатиб, зарар етказмасдан секин ётқизиш керак. Сўнг томир урушини текшириб кўриш керак, тери ҳароратини, рангини, иситмасини ва намлигини

текшириш зарур. Нафас йўлларини тезлик билан қон, шилимшиқ ва қайт қилиш натижасида пайдо бўлган моддалардан тозалаш керак.



Нафас йулларини тиклаш учун беморнинг тилини чиқариб, тўғноғич билан учидан босиб энгак терисини теккизиб қуйилади ва оғзини ҳар хил қон, йиринг ва синган тишларининг парчаларидан бармоққа ўралган бинт билан тозаланади.

Йўлда содир бўлган фалокат натижасида жабрланувчидан бош қисмидан кўп қон кетса, дарҳол бинт ёки рўмолча ёрдамида боғлаб, тиббий бўлимларга жўнатилади.

Агар жароҳат натижасида суяқ синиши рўй берса, унга асло тегиб бўлмайди, чунки қон кетиши кўпайиши мумкин.

Қон кетиши қулоқнинг ташқи қисмida бўлса, унга бинт билан пахтадан тампон тайёрлаб қўйилади. Тампон қўйганда, уни қулоқ бўшлиғига ичкарига киритмасдан аста-секин қўйилади. Чунки жароҳатланган жойга инфекция кириши мумкин.

Жабрланувчи қаттиқ ҳаяжонда бўлса ва қўл-оёқ томирлари тортишуви кузатилса, у ҳолда беморни замбилга солиб бинт ёки катта рўмол билан маҳкам боғлаб зудлик билан шифохонага юборилади.

Бош мия жароҳатланганда мия чайқалса ёки бўйин қисми жароҳатланса, уни қаттиқ текис замбилга солиб ва бўйин қисми тагига қаттиқ

ёстиқча қўйиб, у силжиб кетмаслиги учун маҳкам боғлаб шифохонанинг травматология ёки хирургия бўлимига юборилади.

Кўкрак қафаси жароҳатланганда bemorning аҳволи оғир бўлиб, кўпинча ўлим билан якунланади. Чунки кўкрак қафаси кучли сиқилганда нафас олиш қийинлашади. Тери ости амфиземаси bemorning бўйин қисмига кучли оғриқ беради. Юзининг ранги кўқимтири тусга киради, нафас олиши сустлашади. Бундай ҳолларда иложи борича жароҳатланган шахсга тез ёрдам кўрсатиш керак, акс ҳолда кеч бўлиши мумкин.

Бу ҳолларда ёрдамни қуидагида кўрсатиш шарт:

Биринчидан, жабрланувчини ўтқизиб, ортиқча кийимлардан халос қилиб, эркин нафас олишини таъминлаш керак.

Оғиз бўшлигини очиб, бинтни ёки тоза румолчани бармокка ўраб, тозалаш керак. Агар шу вақтда жабрланувчи қайт қилса дарҳол бошини эгиб, қайт килишига ёрдам бериш керак. Тили ичкарига кетиб нафас йўлини тўсиб қоладиган бўлса, бошини орка томонга эгиб, пастки жағини пастга босиб, оғзини очиб, тилини тортиб чиқазиши керак.

Кўкрак қисмининг оғир жароҳатланиши

Кўкрак қафасидаги очиқ жароҳат. Улар икки хил бўлади. Кўкрак қафасида ички кисмга ўтган ва ўтмаган жароҳатлар.

Кўкрак қафасидаги очиқ ички қисмга ўтмаган жароҳат ички аъзоларга таъсир қилмайди. Плеврал бўшлиқ ёпиқ қолади, ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Бунда ташқи жароҳат, асад толалари, қовурға ва бошқа қон тўқималарининг бузилиши, жароҳатнинг қандай ҳолатда ва қайси чуқурликда бўлишига боғлик. Агар кўкрак қафасига қаттиқ куч билан таъсир қилинган бўлса, bemorning аҳволи умуман ўртача, унинг нафас олишида ички органларда ҳавонинг ҳаракати натижасида жароҳат атрофида сезилмайди, қон кетиши эса одатдагидек кўп эмас. Тез ёрдам кўрсатишда асосан кўкрак қафаси ташқарисидаги жароҳатга эътибор бериш керак. Спиртли аралашма билан жароҳат атрофини тозалаб, боғлаб қўйиш керак. Кўкрак қафаси бўшлиғидаги жойга ҳаво кириб қолмаслиги учун, уни

герметизация қилиб (лейкопластир ёпиш), бу кечиктириб бўлмайдиган бирламчи вазифаларга киради. Унинг устидан эса энли кенг бинт билан бинтлаб чиқилади. Бундай ҳолларда тез ёрдам қўрсатиш асосан қўкрак қафасининг қандай жароҳатланишига боғлиқ бўлиб, унга оғриқни қолдирадиган, ўша жароҳатдан атрофига совутадиган препаратлар аналгин, амидопирин каби дорилардан фойдаланилади. Агар қўкрак қафаси оғир жароҳатланган бўлса, бунда дарҳол ҳаво йўлларини, нафас органларини ўрнига қўйиш чораларини излаш керак, кейин эса жабрланувчига тинчлантирувчи валокардин, корвалол, валериана ва бошқа дорилар бериш мумкин. Агар кислород ёрдами керак бўлса, уни ярим ўтказилган ҳолда ушлаш керак.

Жароҳат ичига ўтмаган, фақат тери қатламларига шикаст етган бўлса, унда атрофларини сиртли эритма, йод билан суриб чиқилади.

Қовурға, қўкрак ва қўрак суюклари синганда биринчи ёрдам қўрсатиш


Одамни қўкрак қафаси асосан киши ички аъзоларини ҳар хил хавфхатарлардан ҳимояловчи уч томонлама бинт билан қаттиқ боғланишдан иборат. Кўкрак бевосита қовурға билан бирлашган. Бу эса қўкрак қафасининг доимийлигини таъминлайди. (10-расм).



10-расм

Одам гавдасининг юқори қисмини жароҳатланиши асосан кўпинча қовурғаларнинг шикастланишидир. Қовурғаларнинг синиши 40 ёшдаги кишиларда асосан олтинчи ва тўққизинчи қовурғалар синади. Юқори қисмидаги қовурғалар пайлар билан яхши химояланган. Пастки 10 ва 11-қовурғалар кучли эластикликка (эгилиш кучи) эга бўлиб, қовурға синиш жароҳат механизларига боғликдир.

Умров суяги синганда- асаб толалари жароҳатланиши мумкин. Унда асосан бармоқларни сезиши ва артериал қон томирлари пульсини аниқлаш асосан катта бармоқ ва кафт ўртасидаги асаб толаларидан аниқланади. Шу вазиятда bemorга аналгин дориси ичирилади ва қўлтифи тагига маҳсус пахта қўйиб, қўли бўйнига осиб қўйилади. Тез ёрдам кўрсатилганидан сўнг жабрланувчини тик ҳолда ўтказиб шифохонага юборилади.




11-расм

Кўрак суягининг синиши жуда кам учрайди. Кўракнинг синиши тўғри жароҳат деб ҳисобланмайди. Агар елка, тирсак билан тўғридан-тўғри урилса, кўракнинг елка қисмига уланган жойидан синади. Тез ёрдам бериш учун, оғриқни қолдирадиган аналгин таблеткаси берилади. Кўракни орқа томонга эгиб, қўлтифининг орка томонига бинт билан ўралган ёстикча қўйилади. Кўлни эса баданига бинт билан боғлаб қўйилади. Жароҳатланган шахсни ўтирган ҳолда шифохонага олиб борилади (11-расм).

Қорин қисми жароҳатланганда биринчи ёрдам кўрсатиш

